

**АЖ «InfinBANK» томонидан эмиссия қилинган
юримдик шахсларнинг миллий валютадаги банк карталарига
хизмат кўрсатиш тўғрисида
ШАРТНОМА**

_____ ш. № _____ 20 ____ й. " ____ "

Куйида “Банк” деб аталувчи АЖ «InFinBANK», _____ даги № _____ -сонли
Ишончнома асосида фаолият юритувчи _____
шахсида, бир томондан, ва

Куйида “Ташкилот” деб аталувчи _____,
_____ асосида фаолият юритувчи _____
шахсида, бошқа томондан, мазкур шартномани (куйида – “Шартнома”) куйидагилар ҳақида
туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур Шартнома Банк ва Ташкилот ўртасидаги Банк томонидан эмиссия қилинган миллий валютадаги корпоратив банк картасидан фойдаланган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2. ТАЪРИФЛАР

Корпоратив банк картаси	Банк томонидан эмиссия қилинган, корпоратив банк картасининг эгасига нақдсиз йўл билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этувчи тўлов картаси (куйида матн бўйича – “Карта”);
Карта эгаси	амалиётларни Картадан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун миллий валютадаги корпоратив банк картасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга Ташкилот ва/ёки Ташкилот томонидан вакил қилинган шахс;
Карта ҳисоб варағи	миллий валютадаги банк ҳисобварағи бўлиб, ундаги пул маблағлари корпоратив банк картаси орқали тасарруф қилиниши мумкин;
Слип	амалиёт корпоратив банк картасидан фойдаланган ҳолда бажарилганини тасдиқловчи ҳамда амалиёт суммаси, амалиёт тури, амалиёт бажарилган сана ҳақидаги ахборотни ва банк картасини бир маънода идентификациялаш имконини берадиган, ушбу слипни шакллантирган терминал ёки банкомат ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган терминал ёки банкомат қвитанцияси;
Терминал	Корпоратив банк картаси эгасига тўлов амалиётларини бажариш ва амалга оширилган амалиётлар бўйича слипларни шакллантириш имконини берувчи қурилма;
Корхона	маҳсулот сотувчи, ишларни бажарувчи ва/ёки хизматлар кўрсатувчи юримдик шахс ва/ёки яққа тартибдаги тадбиркор бўлиб, у эквайер-банк билан имзоланган келишувга мувофиқ товарлар, ишлар ва/ёки хизматлар учун Картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўловларни қабул қилиш мажбуриятини олади;
Эквайринг	корхоналар билан банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалиётлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
Банк – эквайер	эквайрингни амалга оширувчи банк.
ПИН код	Карта ҳисоб варағида ҳисобга олинадиган пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ва бошқариш Карта эгаси томонидан берилганини тасдиқловчи банк картаси эгасининг шахсий идентификация рақами;
Тўловни	Ташкилотнинг карта орқали харид қилинган товарлар, ишлар ва/ёки

қайтариш	хизматлардан воз кечиши натижасида Корхона томонидан маъқулланган ва Банк томонидан белгиланган шаклда Ташкилотнинг карта ҳисоб варағига ўтказиш учун амалга ошириладиган пул маблғаларининг қайтарилиши. Қайтариш нақд шаклда амалга оширилиши мумкин эмас;
Банк йўриқномалари	карта ва бошқа ускуналардан фойдаланиш тартиб-таомиллари ва қоидаларини тавсифловчи ҳужжатлар, Банк уларга мувофиқ Ташкилотга картага хизмат кўрсатиш бўйича хизматларни кўрсатади. Банк йўриқномаларига амал қилиш Ташкилот учун ҳам, Банк учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Банк йўриқномалари www.infinbank.com сайтига жойлаштирилади. Банк бир томонлама тартибда Банк йўриқномаларини ўзгартириш ҳуқуқига эга.
Банк тарифлари	хизмат кўрсатиш шартлари ва карта ёрдамида амалиётларни бажарганда Ташкилот томонидан Банк фойдасига банк хизматлари ва молиявий маҳсулотлар учун тўланадиган воситачилик ҳақи тарифлари.
Авторизация	Банкдан карта бўйича амалиётларни бажариш учун телефон, электрон ёки бошқа алоқа орқали рухсат олиш тартиби;
Эмитент Банк	карталар эмиссиясини амалга оширадиган, ўзи эмиссия қилган карталарга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган ва ўз номидан карталарнинг эгалари ва эквайер банклар олдида уларнинг карталардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳуқуқи бўйича мажбуриятларга эга бўлган банк;
Транзакция	товарлар ёки хизматларни тўлаш учун карта орқали амалга ошириладиган тўлов. Транзакцияни тасдиқлаш Карта эгаси томонидан ПИН-код ёрдамида амалга оширилади.

3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 3.1. Банк картасини олиш учун Ташкилот Банкда миллий валютадаги талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисоб варағига эга бўлиши лозим.
- 3.2. Банк Ташкилотнинг Банк картасини чиқаришга берган аризаси асосида мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида Ташкилотга карта ҳисоб варағини очади, картани чиқаради ва уни Ташкилотга ёки Банк томонидан белгиланган шакл бўйича расмийлаштирилган ишончнома асосида Ташкилот томонидан вакил қилинган шахсга беради.
- 3.3. Ташкилот ва Карта эгасининг ўзаро муносабатлари Ташкилотнинг ички тартиби, қоидалари билан тартибга солинади.
- 3.4. Карта Банкнинг мулки ҳисобланади ва Ташкилотга карта амал қиладиган муддатга вақтинчалик фойдаланиш учун тақдим этилади. Карта унда кўрсатилган тегишли йилнинг ойи охиригача ҳақиқий ҳисобланади.
- 3.5. Картадан Корхоналар билан амалиётлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ҳамда пул маблағларини нақдсиз шаклда Карта ҳисоб варағига ўтказиш учун фойдаланилади.
- 3.6. Картадан Эгалик қилувчига тўланиши керак бўлган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва дивидендларни тўлаш ҳамда нақд пул маблағларини олиш учун фойдаланиш тақиқланади.
- 3.7. Ташкилотнинг Карта ҳисоб варағидаги пул маблағлари қолдиғига фоизлар ҳисобланмайди.
- 3.8. Банк Банк картасини чиқаргани, картани қайта чиқаргани, карта ҳисоб варағини очгани ва транзакцияларга ишлов бергани учун Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақини ундиради.
- 3.9. Карта амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳамда у алмаштирилганида ёки Банкнинг талаби бўйича Банкка қайтарилиши керак.
- 3.10. Карта чиқарилганидан кейин Ташкилот карта ҳисоб варағига Карта эгаси томонидан карта бўйича амалиётлар амалга оширилиши учун зарур бўлган суммани ўтказиши. Карта ҳисоб варағини тўлдириш ишлари Ташкилотнинг тўлов топшириқномаси асосида унинг талаб қилиб олгунча асосий депозит ҳисоб варағидан амалга оширилади.

- 3.11. Ташкилот томонидан карта ўғирлангани/йўқолгани ва/ёки ишдан чиққани ҳақида ёзма ариза берилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Банк ўғирланган, йўқолган ва/ёки ишдан чиққан Картани алмаштириб беради.
- 3.12. Мазкур Шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.
- 3.13. Карта Ташкилотнинг ёзма аризаси асосида ёпилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

- 4.1.1. Ташкилотнинг Карта ҳисоб варағидан Карта ёрдамида амалга оширилган, карта ҳисоб варағидаги пул маблағларининг қолдиғини камайтирувчи барча тўлов амалиётлари суммаларига ҳамда кўрсатилган тўлов амалиётларини бажарганлик учун Банкнинг воситачилик ҳақи суммасига Карта ҳисоб варағидан ечиб олиш;
- 4.1.2. нақдсиз йўл билан тушадиган пул маблағларини ёки Корхоналар томонидан қайтарилган барча тўловлар суммасини Ташкилотнинг талаб қилиб олгунча асосий депозит ҳисоб варағидан Ташкилотнинг карта ҳисоб варағига ўтказиш;
- 4.1.3. Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ Ташкилотга карта ҳисоб варағидан кўчирма тақдим этиш;
- 4.1.4. Ташкилот томонидан Карта йўқотилгани (ўғирлангани, йўқолгани, ишдан чиққани ва ҳ.к.) ҳақида ёзма Ариза тақдим этилганидан кейин Ташкилотнинг Картасини дарҳол блокировка қилиш;
- 4.1.5. Карта эгасига Картадан фойдаланиш масалалари ва амалдаги Банк Тарифлари бўйича консультациялар тақдим этиш;
- 4.1.6. Мазкур шартнома бекор қилинганида карта ҳисоб варағидаги пул маблағларининг қолдиғини тўлов топшириқномаси асосида, олдин карта бўйича амалга оширилган тўлов амалиётлари бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилганидан кейин, Ташкилотнинг талаб қилиб олгунча асосий депозит ҳисоб варағига қайтариш;
- 4.1.7. Банк томонидан Карта бўйича амалиётлар тўхтатилганида (Картадан фойдаланганда «PIN-код»ни нотўғри териш натижасида карта блокировка қилинадиган ҳолатлар бундан мустасно), Банк, амалиётлар тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, Ташкилотга унинг ҳисобрақамига хизмат кўрсатиш тўхтатилгани ва унинг сабаблари ҳақида хабарнома (билдирги) юбориши зарур.

4.2. Ташкилот қуйидаги мажбуриятларга эга:

- 4.2.1. Карта эгасини мазкур Шартнома шартлари ва Банк йўриқномалари билан таништириш.
- 4.2.2. Карта эгаси томонидан мазкур Шартнома ва Банк йўриқномалари шартларининг бажарилиши ва бажарилишни таъминлаш;
- 4.2.3. Картадан карта ҳисоб варағидаги пул маблағлари қолдиғи доирасида ва унинг амал қилиш муддати давомида фойдаланиш;
- 4.2.4. ПИН-кодларни сир сақлаш;
- 4.2.5. амалдаги Банк Тарифларига мувофиқ Карта ёрдамида амалга оширилган барча транзакциялар учун воситачилик ҳақини тўлаш;
- 4.2.6. мазкур шартнома бузилиши билан боғлиқ бўлган Карта эгасининг айби билан юзага келган зарарларни ва/ёки зиённи Банкка қоплаш;
- 4.2.7. Банк картаси ишдан чиққани (йўқолгани, ўғирлангани ва ҳ.к.) аниқланган пайдан бошлаб, зудлик билан Банкка Карта ишдан чиққани (йўқолгани, ўғирлангани ва ҳ.к.) ҳақида хат тақдим этиш;
- 4.2.8. мазкур шартнома бекор қилинганида, Картани ишчи ҳолатда, карта ҳисоб варағини ёпиш ҳақидаги ариза асосида Банкка қайтариш. Картанинг ишдан чиқиши, ўғирланиши ва/ёки бузилиши оқибатида Картани қайтариш имкони бўлмаганида амалдаги Банк Тарифларига мувофиқ комиссия ҳақини тўлаш;
- 4.2.9. Банкка ўз реквизитлари ўзгаргани ҳақида 5 (беш) иш куни ичида маълум қилиш;
- 4.2.10. Ташкилотнинг карта ҳисоб варағи ёпилганида ва у ЎЗР қонунчилигига мувофиқ тугатилганида, шунингдек Банкнинг биринчи талаби бўйича Картани қайтариш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Банк куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 5.1.1. Ташкилот билан келишган ҳолда Банк Тарифларини ўзгартириш;
- 5.1.2. Банк йўриқномаларига ўзгаришлар киритиш;
- 5.1.3. ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда, Ташкилотни Карта олиб кўйиладиган санадан камида 3 (уч) иш куни олдин хабардор қилган ҳолда, ундан Картани тақдим этишини талаб қилиш ва уни олиб кўйиш;
- 5.1.4. куйидаги ҳолатларда Картадан фойдаланган ҳолда амалиётларни бажаришни вақтинчалик тўхтатиш ва/ёки уларни бажаришни рад этиш:
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш ҳақидаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда;
 - Ташкилотнинг талаб қилиб олгунча асосий депозит ҳисоб варағида № 2 картотека шаклланида.
- 5.1.5. Ташкилотдан мазкур шартнома бузилиши билан боғлиқ Карта эгасининг айби билан юзага келган зарарни ва/ёки зиённи қоплашини талаб қилиш.
- 5.1.6. **Ташкилот куйидаги ҳуқуқларга эга:**
- 5.1.7. тўлов топшириқномаси асосида талаб қилиб олгунча асосий депозит ҳисоб варағидан Карта ҳисоб варағини тўлдириш.
- 5.1.8. мазкур Шартнома шартларига мувофиқ ҳамда Банк йўриқномаларида кўзда тутилган бошқа ҳаркатлар натижасида Картадан фойдаланган ҳолда бажариладиган амалиётлар вақтинчалик тўхтатилганида Картанинг авторизациясини амалга ошириш;
- 5.1.9. ўз Картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча тўлов амалиётлари ҳақида ва карта ҳисоб варағидаги пул маблағларининг қолдиғи ҳақидаги маълумотлардан кўчирма олиш;
- 5.1.10. терминал ва/ёки банкоматдан фойдаланган ҳолда ПИН-кодларни ўзгартириш;
- 5.2. Ташкилот, Банк томонидан Корхоналардан карта бўйича амалга оширилган тўлов амалиётлари ҳақидаги маълумотлар олинмагунга қадар, Банкдан тўловларни қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.
- 6.2. Ташкилот Карта бўйича амалга оширилган амалиётларнинг қонунийлиги учун ЎзРнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.
- 6.3. Мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, Томонлар учун уни муддатидан олдин бекор қилишга асос бўлади, бунда бекор қилиш вақти томонлар ўртасида алоҳида тартибда келишиб олинади.
- 6.4. Агар томонлардан бири мазкур Шартномани бажаришда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини бузса, унда иккинчи томон бунинг учун жавобгар бўлмайди.

7. МАХФИЙЛИК

- 7.1. Ташкилот, худди шу тарзда Банк ҳам, шартнома бўйича банк сири ва маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун жавобгар бўлади.
- 7.2. Банк ва Ташкилот томонидан бир-бирига тақдим этиладиган, шартнома предмети билан боғлиқ ахборот махфий ҳисобланади. Томонлар олинadиган ахборотнинг учинчи шахсларга ошкор этилишининг олдини олиш учун барча зарур ва етарли чораларни кўради.

8. ФОРС-МАЖОР

- 8.1. Томонлар мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилмагани учун, агар бу бажармаслик давлат бошқаруви ва назорати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чеклаш-тақиқлаш характеридаги ҳужжатлар/чораларни қабул қилиш ёки уруш, зилзила, ёнғин, иш ташлаш ёки бошқа офатлар (уларнинг айби билан

юзага келмаган, аммо улар томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилишига таъсир кўрсатадиган техниканинг ишдан чиқиши, дастурий таъминот, электр таъминоти ва маълумотларни узатиш тизимларидаги бузилишлар) оқибати бўлса ва Томонлар уларга таъсир кўрсата олмаса ва уларнинг юзага келиши учун жавобгар бўлмаса ҳамда, агар ушбу факт ваколатли давлат органлари томонидан хужжатли тарзда тасдиқланган бўлса, жавобгар бўлмайди. Томонлар бундай енгиб бўлмас куч ҳолатларининг таъсири бошланиши ва якунланиши ҳақида ёзма шаклда дарҳол хабар бериши шарт.

8.2. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда тасдиқланганида форс-мажор деб ҳисобланади.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

9.1. Томонлар тарафидан мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча низолар, уларни ўзаро мақбул ҳал этиш мақсадларида, томонлар тарафидан музокаралар йўли билан кўриб чиқилади.

9.2. Агар келишувга эришилмаса, унда низо Банк жойлашган ҳудуддаги суд органига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур Шартнома томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлардан бири уни бекор қилиш истагини билдирмагунича муддатсиз характерга эга бўлади.

10.2. Томонлар тарафидан олдин имзоланган, Банк томонидан миллий валютада эмиссия қилинган корпоратив банк карталарига хизмат кўрсатишга тааллуқли бўлган барча келишувлар мазкур шартнома тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб тан олинади.

10.3. Мазкур шартномага барча ўзгаришлар ва/ёки қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда бажарилган ва Томонларнинг ваколатли шахслари тарафидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

10.4. Шартнома:

10.4.1. томонларнинг биргаликдаги ёзма розилиги билан;

10.4.2. томонлардан бирининг ташаббуси бўйича шартнома бекор қилинадиган тахминий санадан 10 кун олдин бошқа томонни ёзма хабардор қилиш шarti билан:

- Ташкилотга банк томонидан берилган барча Карталар Банкка ишчи ҳолатда қайтарилганида;

- Ташкилот мазкур шартнома бўйича Банк олдидаги барча мажбуриятларини бажарганида;

- Ташкилот банк олдида қарздорликка эга бўлмаганида амалга оширилади.

10.5. Шартнома бекор қилинганида, Картани чиқарганлик учун тўлов, тўлов амалиётларга ишлов берганлик учун воситачилик ҳақи ва Банк тарифига мувофиқ бошқа тўловлар Ташкилотга қайтарилмайди.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, ҳар бир томон учун бир донадан, иккита бир хил асл нусхада тузилди, у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

11.2. Шартномага мувофиқ ёки у муносабати билан юбориладиган барча хабарлар ва билдиргилар ёзма шаклда бўлиши керак, агар улар буюртма хат билан юборилган бўлса ёки шартнома иштирокчиларининг куйида кўрсатилган юридик манзиллари бўйича шахсан етказилган бўлса (хабарни олганлик ҳақида тасдиқ мавжуд бўлганида), тегишли тарзда тақдим этилган ҳисобланади.

11.3. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Банк»	«Ташкилот»
---------------	-------------------

АЖ «InFinBank»	_____
Манзил: 100029, Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 1	Манзил: _____ _____
Банк реквизитлари: х/р: 23102 _____ МФО: 01041, СТИР: 206942764, ИФУТ: 64190	Банк реквизитлари: _____ _____ _____
Имзо: _____ М.Ў.	Имзо: _____ М.Ў.



**Миллий валютадаги корпоратив банк картасини чиқаришга
АРИЗА**

Ташкилот: _____
Юридик шахснинг номини кўрсатинг

в лице: _____
Ташкилот рабарининг лавозими ва Ф.И.Ш.

миллий валютадаги корпоратив банк картасини очишни сўрайди.

ТАШКИЛОТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Юридик манзил: _____
Ташкилотнинг юридик манзилини кўрсатинг

Почта манзили: _____
Ташкилотнинг почта манзилини кўрсатинг

Контакт телефонлари: _____ Е-mail: _____

Мақоми - резидент, - норезидент

БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

Ҳисобрақам: _____

СТИР: _____ ИФУТ: _____

Банк номи: _____ МФО: _____

Бош бухгалтер: _____
Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.

КАРТА БИЛАН АМАЛИЁТЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН МАСЪУЛ ХОДИМ:

Ф.И.Ш. _____

Лавозими: _____

Серияси: _____ Рақами: _____ Сана _____

Ким томонидан
берилди:

НАЗОРАТ МАЪЛУМОТИ

КОД СЎЗ:

Банк картангизга хизмат кўрсатиш масалалари бўйича телефон суҳбатларида Сизни банк ходимлари идентификация қилиши мумкин бўлган назорат сўзини кўрсатинг

Мазкур Аризадаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайман. Банк:

- мазкур Аризадаги маълумотларни текшириш ҳуқуқига эга эканига,
- мазкур Аризадаги маълумотлардан Банкнинг реклама-ахборот материалларини юбориш учун фойдаланиши мумкинлигига,
- пластик картани чиқаришни сабабини тушунтирмасдан рад этиш ҳуқуқини ўзида қолдиришига розиман.

АЖ «InfinBANK» Тарифи ва унинг карталаридан фойдаланиш Қоидалари билан танишдик ва уларни бажариш мажбуриятини оламиз.

Ташкилот раҳбарининг имзоси М.Ў. Сана:

БАНКНИНГ ХИЗМАТ БЕЛГИЛАРИ

Банк муассасининг коди: _____

Хизмат ҳаракати/қарор/қайдлар	Ходимнинг Ф.И.Ш.	Имзо
Аризани қабул қилди		<input type="text"/>
Келишилди		<input type="text"/>
Карта тайёрланди ва яроқли. Карта рақами куйида кўрсатилган:		<input type="text"/>

Карта рақами:

8	6	0	0	5	3														
---	---	---	---	---	---	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Карта ҳисоб варағининг рақами:

2	2	6	2	0	0	0	0												
---	---	---	---	---	---	---	---	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Картани олдим _____ / / _____

Банк ходими _____